
ТАРМОҚ РАҲБАРЛАРИ АХБОРОТ БЕРДИЛАР

Бугун Фарғона вилоятида фаолият юритаётган оммавий ахборот воситалари вакиллари учун “2019 йилда ижтимоий-иктисодий соҳадаги ислохотлар самараси ҳамда 2020 йилдаги истиқболли вазифалар” юзасидан брифинг ўтказилди.

Брифингда 2019 йилда ҳудудни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларининг ижроси, ипакчилик, ҳунармандчилик, урбанизация, соғлиқни сақлаш ва мактабгача таълим соҳаларида амалга оширилган ишлар ва 2020 йилдаги истиқболли вазифалар ҳақида тегишли бошқармалар мутасадди раҳбарларининг ахбороти эшитилди.

-Аёллар ўртасида учрайдиган онкологик касалликларнинг олдини олиш, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, вилоятда меҳнат мигрантларини тиббий кўрикдан ўтказиш ва уларнинг саломатлигини тиклаш, тиббиёт соҳасида коррупциянинг олдини олиш каби қатор масалалар ҳам бугун диққат марказимизда турибди,-дейди вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Одилжон Умаров.

Шунингдек, брифингда сўзга чиккан вилоят иктисодиёт ва саноат бош бошқармаси бошлиғининг 1-ўринбосари Фарҳод Акбаров, Бандлик Бош бошқармаси бўлим бошлиғи Аюбхон Абдуллаев, “Ҳунарманд” уюшмаси бошлиғи Расулжон Мирзаахмедов, Мактабгача таълим бошқармаси бошлиғининг 1-ўринбосари Мадаминжон Исроиловларам соҳада амалга оширилган ишлар ва келгусида белгиланган вазифалар юзасидан ахборот беришди.

Қувасой шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2020-01-17 17:47:05